

GENESIS OF CONCEPTUAL CONCEPTUALIZATION AND GENESIS

Rakhmatullaeva Guljahon Normumin qizi
 (Samarkand state Foreign Languages Institute Teacher)

ABSTRACT

In modern cognitive linguistics, the term concept has been widely used. In this regard, we have agreed to formulate the basic concepts of the concept by bringing the various points of view that exist in science in our research work.

Тарихий нуқтаи назардан концепт П. Абеляр тадқиқотларига бориб тақалади, олим концептни фундаментал тушунча сифатида талқин қиласы. П. Абелярнинг фикрича, тушунча – предметлар маъносининг объектив бирлигидир. Концепт эса инсон онгида амалга оширилган тушунча орқали унинг нутқида берилади. Концепт субъектив характерга эга; у мазмунни актуаллаштиради; концептнинг ажралмас хусусияти бу хотира ва тасаввур, чунки у мазмунни хозир ва айнан шу ерда тушунади; концепт ўзида идрокнинг учта қобилиятини синтез қиласы – хотира акти сифатидау ўтмишга таянади, тасаввур қилиш акти сифатида -у келажакка таянади, мулохаза акти сифатида- хозирги вақтга таянади. П. Абеляр тушунчасида концепт инсон қалбида, ички идрокида шаклланувчи ходисадир. Инсоннинг онги, унинг қалби борлиқни ижодий хис қилиши ва талқин қилиши керак[1].

Мантиқ классиги, мантиқий-семантиқ назария асосчиси Г. Фреге концепт атамаси орқали тушунча таркибини белгилайди. Ушбу нуқтаи назарга асосан концепт атамаси мазмунни атамасига синонимдир. Г. Фрегенинг фикрича реал воқелик қандай бўлишига қарамасдан ким томонидан талқин қилинса айнан ўша шахс томонидан маълум тушунчанинг концепти яратилади, яъни фақат бир шахс идрокидан келиб чиққан холда. “тоғларни ошиб ўтса хам уларни яратмаган йўл сайёҳ каби, хулоса чиқараётган тушунчани яратмаса хам идрок қилишда унинг хаққонийлигига ишонади” [11, 35].

Фалсафада концепт “тилдаги шаклининг берилишидан алохида мавжуд тушунча” сифатида талқин қилинади. Концепт уни ташкил қилувчи онтологик тушунчани актуаллаштиради. Р. Карнап концептни тил бирликлари ва уларга мос денотатлар ўртасига жойлаштиради [8, 73].

Мантиқий-фалсафий илмий парадигма доирасидан концепт филологиянинг мазмуний аппаратига айланди. Концептнинг филологик нуқтаи назардан талқинини С. А. Аскальдов биринчи бўлиб келтирди. Унинг фикрича концепт бу “бир хил турга мансуб бўлган предметларнингкўп сонли мажмуини идрок жараёнидаги онгимиздаги акси, фикримиздаги жамланма”. [2, 269]. Натижада концепт “ўринбосарлик” функциясини олди. С. А. Аскальдовнинг фикрича, концептнинг ментал характерини тан олиш унинг субъективлигини билдирамайди, концепт ташқи оламга нисбатан субъектив хусусиятга эга бўлиб, унинг идеал табиатини акс эттириши мумкин. Ушбу фикр концепт борасидаги замонавий талқинларда хам ўз ифодасини топиб, унинг когнитив статусини аниқлаб берди.

Концептнинг когнитив табиати унинг хам мазмунга эга бўлиш қобилияти, хам мазмунни бериш қобилиятига эгалиги орқали аниқланиб, у “дунёвий билимларни

мужассамлаштириши, маълум субъетив тажриба йўли орқали маълумотни жамият томонидан ишлаб чиқилган категория ва синфларга ажратишга хизмат қиласди”. Бу изоҳдан келиб чиқсан холда қуидаги фикрни билдириш мумкин, яъни, концептнинг муҳим фунцкияларидан бири бу билимнинг репрезентацияси (давомли хотирада сақланиши) ва классификацияси (тажрибани қайтаишлашда қатнашиши).

Борлик хақидаги билимлар инсон яшаётган маданий мухит томонидан белгиланади. Ю. С. Степанов томонидан берилган таърифга кўра, концепт инсон маънавий оламидаги маданият тушунчасининг асосий ячейкаси. Концепт тизимига “тушунча доирасига киравчи хамма нарса” тегишлидир, “иккинчи томондан, концепт тизимига уни маданият омили сифатида белгилаб берувчи- бирламчи шакл (этимология) киради; асосий тушунчалардан иборат тарих; замонавий тасаввурлар, баҳолашлар ва б.” [10, 41].

Шундай қилиб, концепт тушунчасининг тарихий талқинларида унинг субъектив шакл сифатида “фақат маънони” билдиришдан тортиб объектив талқинларигача “бирликнинг функционал характеристига асосий эътиборни қаратиш, айнан шу хусусиятида маданий маълумотни сақлайди ва етказиб беради”, кўриш мумкин.

Концепт мураккаб когнитив қурилма сифатида фаннинг замонавий ривожланиш босқичида аниқ бир талқин ва изоҳга эга эмас. Хозирги даврда концепт фанлараро тадқиқот обьекти бўлиб хизмат қиласди. Концептни кўпчилик тадқиқотчилар томонидан тан олинган бъязи талқинларини келтириб ўтамиз.

Фалсафий йўналишлардаги тадқиқотларда асосий эътибор концепнинг вербал белги сифатидаги муносабатларига қаратилган бўлишига қарамасдан, концептнинг тушунча сифатдаги интерпретациясига урғу берилади, албатта бу холат унинг онтологиясини аниқлаштиришни талаб қиласди. Ж. Делез и Ф. Гваттари каби постможернистларнинг концептга берган изохини кўриб чиқамиз: “Концепт – бир пунктдан иккинчи пунктга қараб катта тезлиқда учайдиган бўлинмас тушунчалар бирлигидир” [6, 25]. Ушбу изоҳдан шуни тушуниш мумкинки, концепт бир бутунни (“бўлинмас”) ташкил қиласди белгилар мажмуидир. Концепт – бу динамика, воқеа (“учайдиган”), фикрлар кетма-кетлиги, фикр “катта тезлиқда” амалга ошириладиган характеристикадир. Фалсафий талқинда концепт ижод билан қаторда туради (“концепт бу – ўз ижод махсули”), яъни концепт авваламбор натижга, оқибат, самара функциясини бажаради.

Юқорида келтирилган тадқиқотларда концепт обьектив аспект нуктаи назаридан талқин қилинади, у инсонлар гурухи онгига қай шаклда намоён бўлиши аниқланган. “Концептлар – конвенционал тажриба асосидаги ментал репрезентациядир (индивидуал тажриба махсули эмас)” [5, 120].

Тадқиқотчилар концептларнинг турли туманлигига ишора қилиб, бу хусусият концепт акс эттирадиган реал воқелик фрагментларининг табиати бир хилда бўлмаганлиги натижаси деб тушунтиради. Шу боис, концепт тури тушунчасини ишлатиб, уни дунё хақидаги маъм бир маълумотнинг хотирада сақланиш шаклларини назарда тутади, яъни маълумот фикрий расм, жадвал, фрейм, инсайт, сценарий ва мантиқий конструкцияга эга концептлар турлари бўлиши мумкин. Концептлар турларига, шунингдек, тушунча, гешталтъ, пропозиционал таркиб, тасаввурлар хам киради (Болдырев, 2001; Попова, Стернин, 1999, 2001; Кубрякова, 1997). Ушбу классификациялар концептнинг абстракт

даражасиниакс эттиради.Шу билан бир қаторда А. П.Бабушкин концептлар турлари ўртасидаги дмеаркацион чегараларнинг йўқлигига ишора қиласди. Тадқиқотчининг фикрича,абстракт концептлар аниқ хусусиятга эга бўлмасдан кўпроқ индивидуаллашган, модал-бахоловчи характерга эгадир [3, 13].

Психологияга йўналтирилган тадқиқотларда асосий эътибор концептнинг психологик табиатига қаратилган бўлиб, унинг функционал ишлашига қараб индивидуал жихати аниқланади (Залевская, 2001; Лукашевич, 2002; Пищальникова, 2002, Smith, 1989; Solomon, Barsalou, 2001).А. А.Залевскаянинг фикрича, концепт перцептив-когнитив-аффектив динамик характерга эга тузилмани касб этиб, инсон хаётининг психологик қонуниятларига бўйсуниш орқали амал қиласди [7, 89].Юқорида келтирилган вазият концептни умуман лингвистик назария илгари сурган илмий изоҳ махсусли мазмуни ва тушунчаларидан фарқлайди.

Шу тариқа, концепт тушунчаси қайси фан нуқтаи назаридан ўрганилишига қараб изоҳланади.Концепт тушунчасига берилган изоҳларнинг умулашган кўринишини “Когнитив атамалар қисқа луғати” да топиш мумкин.Ушбу луғатда концепт “инсон билими ва тажрибасини акс эттирувчи информацион тизим бўлиб ментал ва психик манбаларнинг опреатив бирлигидир”.Бу изоҳдан қуйидагича холосага келиш мумкин: концепт авваламбор ўзининг функционал вазифаларидан келиб чиқсан холда талқин қилинади. Концепт табиатига кўра олиб борилган тадқиқотларни умумлаштирган холда, П. Тейгард унинг функциялари кетма-кетлигини келтиради, бироқ олимнинг айтишича ушбу рўйхати хали тўлиқ шакллинтирилган бўлмай, бу камчилик инсон идроки фоалиятининг чексизлиги билан изоҳланади.Бу рўйхат ўз ичига қуйидагиларни олади: категоризация,дунёни билиш, билимларни мақлаш, дедуктив интерференция, сабаб-оқибат алоқаларининг ўрнатилиши, муаммоларнинг хал қилиниши, умулаштириш, аналогияга кўра инференция, тилнинг тушуниш ва хосил қилиш (Thagard, 1990).Б.ФРенкс концептнинг иккита охирги функциясини битта ном билан “лингвистик функция номи билан” (linguistic function) бирлаштиради.Тадқиқотчининг фикрича ушбу функциянинг моҳияти ментал лексиконда намоён бўлади, яъни тил бирликлари ушбу лексиконда номлар ва уларнинг модификаторлари билан шундай тарзда боғланадики, тил бирликлари алоқалари вербализацияси амалга ошади, концептлар уйғунлашади (Franks, 1995).

Концептлар вербализацияси хақида фикр юритиб тадқиқотчилар реал (жисмоний) воқеаликнинг дунёни идрок қилиш жараёнида инсон онгидаги аксини ва бу акснинг лингвистик хақиқат билан алоқасини ўрнатилишини, оқибатда унинг лисоний дунё манзараси билан боғланнишини таъкидлайдилар (Демьянков, 1994; Jackendoff, 1991, 1992; Lakoff, Johnson, 1999; Fauconnier, 1999).Шу билан бир қаторда конкрет овозли нутқ ва фикрий фаолият ўратсида яна бир оралиқ қатор мавжудлигини айтадилар, бу оралиқ қатор турли тадқиқотчилар томонидан турлича номланади: “ички нутқ” (Л. С. Выготский берган талқинга асосан), “универсал предмет код” (Н. И.Жинкин берган талқинга асосан), “оралиқ тил” (Ю. Н. Карапулова терминологияси бўйича), “инсоннинг информатив тезариуси” (А. А. Залевская берган талқинга асосан), “ички лексикон” (Е. С. Кубрякова талқинида), “ментал репрезентация”, “ментал лексикон” (хорижий когнитив

тадқиқотларда). Концептуал тизим ва тил бирликларга нисбатан лексикон маълум амални бажаради, яъни тил бирликлари ёрдамида концептлар асосланиши механизмини акс эттиради. Шу ўринда тил бирликлари маънолари концептнинг фақатгина айрим белгиларини акс эттириб беради.

Юқорида келтирилган концептлар назариялари ушбу мақоламизнинг асосини ташкил қиласди, яъни:

- концепт – бу ментал-психик характерга эга тузилма бўлиб, инсоннинг тажрибасини ва билимларини акс этиради;
- абстрактлиги ва мураккаблиги даражасига кўра концептлар бир-биридан фарқланади;
- концептуал тизимда концептлар изоляцияланмайди, улар бир бири билан кесишади ва бир бирини таъминлайди, инсон фикрлаш фаолияти жараёнида комбинациялаштирилади;
- концептлар вербаллашиш хусусиятига эга, шу билан бир қаторда тил бирлиги маъноси фақатгина концептуал белгининг бир қисминигина акс эттиради;
- концептнинг лексик бирлик билан ўзаро муносабати ментал лексиконда акс этади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, концептлар ментал тушунчалар бўлиб, уларнинг асосида инсон томонидан борлиқ ни идрок қилиши мохияти ётади. Концептлар, идрок доирасига кирувчи, информатив-мазмунли сатҳ хисобланиб унинг бир қисми инсон онгидан тил орқали рўёбга чиқарилади. Лексик бирликтининг мазмунни концептуал вазият орқали тушунилади. Лисоний бирликларни қўллашда инсон концептуал мазмунни беришнинг турли қобилиятларини намоён қиласди ва бу орқали унинг бошқа жихатларини иккинчи даражага тушириб, фақатгина бир жихатига ургу беради. Шу боис сематик тизимнинг тасвири у қайси концептуал мазмунни англатиб келса ўша доирани вербаллаштиради, лисоний бирлиги хисобланган когнитив контекст маъносини аниқлаштиради. Когнитив контекст остида, бизнинг тадқиқотимизда билимлар тизими тушунилади. Концептлар бир биридан абстрактлиги ва мураккаблиги даражалари билан фарқланади; концептуал тизимда концептлар алохида холда мавжуд бўлмайди, улар бир бирлари билан кесишади, бир бирини маъносини очиб беради, инсон тафаккури жараёнида концептларнинг турли комбинациялари шаклланади, концептларнинг ўзаро муносабатлари ментал лексиконда лексик бирлик маъноси орқали намоён бўлади.

АДАБИЁТЛАР

- 1) Абеляр П. Теологические трактаты / П. Абеляр / Пер с латыни, comment., ввод.ст., сост. С.С. Неретиной. – М.: Гнозис, 1995. – 411с.
- 2) Аскольдов, С.А. Концепт и слово / С.А. Аскольдов // Русская словесность. От теории словесности к структуре текста. Антология / Под ред. В.П. Нерознака. – М.: Academia, 1997. – С. 267 – 279
- 3) Бабушкин А.П. Типы концептов в лексико-фразеологической семантике языка, их личностная и национальная специфика: Дис...д-ра филол. наук / А.П. Бабушкин. – Воронеж: Изд-во ВГУ, 1997. – 399 с.
- 4) Выготский, Л.С. Мысление и речь / Л.С. Выготский. – М.: Лабиринт, 1999. – 350с

- 5) Гивон, Т. Система обработки визуальной информации как ступень в эволюции человеческого языка / Т. Гивон / Пер. с англ. А.Л. Леонтьевой. Под ред. И.М. Кобозевой // Вестник Московского университета. Сер. 9. Филология. – 2004. – № 3. – С. 117-173.
- 6) Делез, Ж.; Гваттари, Ф. Что такое философия? / Пер. с фр. С.Н. Зенкина / Ж. Делез, Ф. Гваттари. – М.: Институт экспериментальной социологии; СПб.: Алетейя, 1998. – 288с
- 7) Залевская, А.А. Текст и его понимание / А.А. Залевская. – Тверь: Твер. гос. ун-т, 2001. – 177с Н. И. Жинкин
- 8) КарнапР. Н. Когнитивные аспекты перевода // Перевод и лингвистика текста. – М. , 2001. – С. 503.
- 9) Кубрякова Е. С. Концепт // Е. С. Кубрякова, В. З. Демьянков, Ю. Г. Панкрац, Л. Г. Лузина. Краткий словарь когнитивных терминов. – М. : Изд-во Моск. Ун-та, 1997. – С. 90-93.
- 10) Степанов, Ю.С. Константы. Словарь русской культуры. Опыт исследования / Ю.С. Степанов. – М.: Школа «Языки русской культуры», 1997. – 824с.
- 11) Фреге, Г. Логика и логическая семантика: Сб. тр. / Пер. с нем. Б.В. Бирюкова; Под ред. З.А. Кузичевой. – М.: Аспект Пресс, 2000. – 512с.